



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (12.493)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 8 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 9 сентябрь куни бўлиб ўтди. Қўрсарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фохрий қоровул саф тортиди. Ислон Каримов ва Си Цзиньпин шохсупага кўтарилиди. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фохрий қоровул сафи олдида ўтиришди.

Ислон Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатда томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Ислон Каримов Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга илк давлат ташрифига икки томонлама муносабатлардаги тарихий воқеа, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг яна бир қўрилиши сифатида қаралишни таъкидлади.

Си Цзиньпин икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига юксак баҳо берди, Хитой ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатлари ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган бундай ўрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узок асрларга бориб тақалади. Қадимий Мо-вароуннахр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар қўл, пахта, ипақ, қозғ ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланимуда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларининг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги ўрашувлар ва ташрифлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши ташрифининг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташриф якунида 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда икки мамлакат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тобора кенгайтириб келмоқда.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иккала мамлакатнинг қўллаб-қувватлаш ва халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин эканлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаганини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши қучлар ўртасида муроСага эришиш бу борадаги ягона тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Ислон Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида жадвал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади. Ўзбекистон Хитой билан муносабатларини барча соҳаларда ривожлантириш, айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст, яқин қўшни ва стратегик ҳамкор сифатида қарашини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил мобайнида икки томонлама алоқалар изчил суратда ривожланиб келаётди. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан натижаларга эришилди, бир қатор йирик қўшма инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

ХХР Раиси Хитой олий даражадаги ўрашувлар чоғида эришилган стратегик қелишувларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этмоқда. 2004-2013 йилларда Ўзбекистон ва Хитой ташқи сибсат маҳамалари ўртасида 10 маротаба сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

2011 йилнинг октябр ойида Пекинда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича олти қўй қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Фаол алоқалар, жумладан, БМТ, ШХТ доирасида долзарб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пекин Урта Осиёда экологик мувозанатни бузиши мумкин бўлган гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмасликка оид позициясини тасдиқлади, минтақадаги трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойни ҳудудий ахилитлик, «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида доим қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттиришди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг устувор мақсадли вазифалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий

ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид истиқболли масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитой билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади.

Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, кейинги беш йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошди. 2007 йилда бу кўрсаткич 904 миллион доллارни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3,4 миллиардга етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 2,3 миллиард доллارни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўп демакдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган ноҳомашё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Бугун томонлар турли лойиҳалар, авваламбор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 455 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 71 компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

2002 йилдан бошлаб Хитой инвестициялари ва кредитлари иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард доллар бўлган 83 инвестиция лойиҳаси, шу жумладан, 5,75 миллиард доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган 52 лойиҳа, 992,4 миллион долларлик имтиёзли кредитлар йўналтирилган 31 лойиҳа амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ҳужжатлар имзолангани алоҳида қайд этиш жоиз.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард доллarga тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон 2011 йилда ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркинни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Жорий йилнинг март ойида ушбу парк «Жиззах» махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Мазкур паркиннинг Сирдарё вилоятида филиали бўлади. Июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу ташриф давомида Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш орқали мазкур парк ҳудудида юқори технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очиб бўйича 14 қелишувга эришилди.

Бир қатор Хитой компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазитиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНПС) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Иккала мамлакат Хитойга узлуқсиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи Ўзбекистон — Хитой газ кувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа деб билади. Ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон — Хитой газ кувурини қуриш ва ишга тушириш тамойиллари тўғрисидаги битимга қўшимча протокол йилга 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга тўртинчи линия қурилишнинг назарда тутатди.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишнинг қўллаб-қувватлайди. Ангрен — Поп йўналиши бўйича темир йўл қурилиши бу борадаги ишларнинг мантқий давоми бўлади. Бу йўл Хитойнинг Жанубий Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқиш учун имконият яратди. Жорий йилнинг июнь ойида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган Ангрен — Поп темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, хусусан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард долларадан ошди. Улар мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2011, 2012 йилларда Пекинга ташрифлари доирасида эришилган қелишувларга мувофиқ, ХХРнинг имтиёзли кредитлари асосида мамлакатимиз кимё саноати, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қарийб 400,6 миллион доллар миқдоридаги 7 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хитой раҳбарининг мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жағмафаси билан Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш бўйича битим имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган 6-жаҳон хайкал-тарошлари форуми доирасида буюк миниатюрachi Камолдин Бехзод хайкали очилди. Бу ўзбек маданияти намояндасида Хитойда ўрнатилган илк хайкалдир.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда «Ўзбекистон — Хитой» ва «Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари» дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги дастур маданият соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. 2011 йилда Пекин ва Сянь шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. Жорий йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида «Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари» бадий кўргазмалари ташкил этилди.

Умуман, 2012-2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъати бағишланган йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намоёндаларининг қатор ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали, «Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, Ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмаштиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтида ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетидида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, икки томонлама қелишувга мувофиқ ва ШХТ доирасида ХХР ҳукумати 2012-2013 ўқув йилида Ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетидида Ўзбекистонлик етмишга яқин талаба тахсил олмақда.

Ташриф доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси-га Хитой фуқароларининг гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти «China Outbound Travel & Tourism Market — 2013» (апрель, Пекин) ҳамда «WTF — 2013» (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Қўрсарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзолادилар.

Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўрашувда икки давлат раҳбарлари бугун томонлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ва муҳокамалар ўзаро тушуниш, ишчанлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Уларнинг натижалари муҳокама қилинган масалаларнинг аксарияти бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш ва яқинлигини намоён этди. Икки давлат раҳбарлари эришилган қелишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларида яна бир муҳим bosқич бўлгани қайд этилди. Томонлар изчил ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни юксак қадрлайди. Музокаралар замонавий тараққиётнинг бир қатор долзарб йўналишлари бўйича, жумладан, «уч ёвуз куч»га қарши ҳамкорликда курашиш зарурлиги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб халқаро муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича томонларнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намоён этди. Томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Хитой раҳбари Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида юксак баҳо берди.

ХХР Раиси Олий Мажлис Сенатига ташриф буюриб, парламентимиз юқори палатаси фаолияти билан танишди. Сенат Раиси Илгизар Собиров билан ўрашув чоғида олий мартабали меҳмон Сенат фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан батафсил таништирилди.

Шу кун Си Цзиньпин пойтахтимизнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири — Темирийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбирлари



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● Урганч шаҳрида янги барпо этилган «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Махмуа қисқа вақт ичида барпо этилиб, умумий қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш ва монтаж ишлари бажарилди. Бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий кенгашилари қошида ташкил этилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаол қатнашди. «Ёшлар кўли» дам олиш масканида замонавий аттракционлар, оталар чойхонаси, иккита кема-кафе, шахмат клуби ва бошқа объектлар бор.

● Андижон шаҳрида «Камолот-тур» веломаффонининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятдаги таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда ҳаваскор спортчилар иштирок этди.

● Наманган тумани Галча қишлоғида «Малика холис сервис» масъулияти чекланган жамиятининг полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги линияси иш бошлади. Замонавий технологиялар асосида кунига 20 минг дона қоп тайёрлаш қувватига эга цехни барпо этишда «Агробанк» туман бўлимининг бир миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағи жалб этилди. Қишлоқдаги фойдаланилмай ётган иншоот қайта таъмирланиб, 527 минг АҚШ доллари қийматида тенг технологик ускуналар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

● Даниядаги Орхусск университетининг Йенс-Кристиан Свеннинг бошчилигидаги мутахассислари узок йиллардаги тадқиқотлар натижасидаги агарда иқлим ўзгаришлари ҳозирги даражада давом этса, 2100 йилга бориб Гренландия бутунлай яшил ўлкага айланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келишди. Гап шундаки, Гренландия жанубидаги музликлар билан қопланган майдонларда ҳозирнинг ўзида тўрт турдаги дарахтлар ўса бошлаган. 2100 йилга бориб эса Шимолий Америка ва Европадаги дарахт ва буталар Гренландияда ҳам ўсиши эҳтимолдан холи эмас.

● Италиянинг Коссато шаҳрида яшовчи 28 ёшли дайвинг йўриқчиси сув остида велосипедда юриш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У бассейн тубида кўргошин билан оғирлаштирилган ғаввослик костюминин кийган, велосипеди ҳам юқлар билан оғирлаштирилган ҳолда 71 метр 50 сантиметр масофани босиб ўта олди. Ушбу гаройиб сув ости велосипед сайлини мутахассислар қузатиб боришди ва уни Гинеснинг рекордлар китобига киритиш учун расман қайд этишди.

● Францияда дунёдаги биринчи халқаро термоядро экспериментал реакторининг қурилиши бошланди. Ушбу қурилиш Европа Иттифоқи, Хитой, Хиндистон, Япония, Корея Республикаси, Россия ва АҚШ ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Денгиз сувларидаги дейтерий ва тритийларни қайта ишлаш асосида фаолият кўрсатадиган янги турдаги реактор 2020-2021 йилларда қуриб битказилади. Олимларнинг фикрича, юқоридаги ўсимликларни қайта ишлаш эвазига бир тонна денгиз сувидан 500 мегаватт энергия олинади.

БЕРЛИНДАГИ «ОЧИК ЭШИКЛАР КУНИ»ДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Яқинда Германиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлигида «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Кўргазма стендларидан иборат, чодирлар билан қопланган шаҳарчада бўлиб ўтган ушбу тадбирда Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ўз мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти, маданий хусусиятлари ва геосиёсий жойлашуви билан боғлиқ маълумотларни тақдим этди.

Кўргазма чодирларига ташриф буюрган меҳмонлар жаҳондаги турли халқларнинг ўзига хос, ажойиб анъаналари билан яқиндан танишишлари баробарида, уларнинг миллий куй-қўшиқ ва рақсларидан баҳра олдилар. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ва меҳмонлари дунё халқлари миллий таомларидан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг моҳир ҳунармандлари тайёрлаган халқ амалий санъати буюмлари билан безатилган Ўзбекистон бўлмасидан меҳмонлар аримади.

Кўргазма пештахталаридан жой олган ранг-баранг ахборот материалларида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик ва сармоявий салоҳияти, жаҳонга машҳур меъморий обидалари ва саёҳат йўналишлари, мустақил тараққиёт йилларида республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ҳуқуқий-демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда уларнинг салмоқли натижалари ҳақида атрафлича маълумотлар берилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги давлат котиби Х. Ю. Беерфельц ўз мамлакатининг ушбу кўргазмада қатнашаётган давлатлар билан юқори даражадаги ҳамкорлиги ҳусусида тўхталар экан, «Очиқ эшиклар куни»нинг иштирокчилари ва меҳмонларининг мазкур тадбир тақдим этган ўзига хос «дунё бўйлаб саёҳат»га таклиф қилди. Унинг билдиришича, ушбу тадбирни ўтказишдан қўлланган мақсад Федерал вазирлигининг бутун дунёдаги тараққиётга ҳисса қўлишга доим тайёр эканлигини намоён этиш билан изоҳланади.

ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирли

Д. Нибель Германия ҳамда Ўзбекистон ўртасида йирик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишидаги ўзаро ҳамкорликка юқори баҳо берар экан, мамлакатимиз ва халқимизни давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан қизғин қутлади.

«Internationale Container Transport GmbH» компанияси вакили Б. К. Берникер Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўзбек халқи маданияти ва анъаналари ҳақидаги маълумотлар ўзида катта таассурот қолдирганини қайд этди. Шунингдек, у Ўзбекистон билан замонавий технологиялар, муқобил ҳамда қайта тикланидиган энергия манбалари, логистика сингари соҳаларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини айтиб ўтди.

«ARTO Reisebüro Berlin» сайёҳлик компанияси раҳбари С. Акбарзаде Ўзбекистонни «бой тарих ва улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат», дея таърифлаб, сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган «Silk Road Company» компанияси билан Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон — Германия ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада юксалтиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилганини билдирди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон бўйлаб қизикариб сайёҳлик йўналишларини қамраб олган «Ипак йўли» лойиҳаси устида иш олиб бормоқда, — деди у. — Келгуси йили бир нечта сайёҳлик гуруҳлари учун Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент бўйлаб қизикариб саёҳатни йўлга қўйишга ҳозирлик кўраёмиш.

«Жаҳон» АА
Берлин

Тарихий тараққиёт шунинг кўрсатадики, юртининг равнақ топиши ва обод бўлиши мақсад қилиб қўйилган давлатда биринчи ўринда ёшларни тарбиялашга, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга устувор вазифа сифатида қаралиши лозим. Эътироф этиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларни юртимиз келажагига муносиб тарзда умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга давлат миқёсида катта эътибор қаратиб келинмоқда.

1991 йил 20 ноябрдаёқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир.

Истиқлол йилларида парламент томонидан қабул қилинган деярли барча қонунлар бевосита ва билвосита ёш авлод тарбияси, уларга шарт-шароитлар яратиш каби масалаларга дахлдордир.

2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши эртанги кун эгаларининг қомил инсон бўлиб етиштирилиш учун қаратилган эътиборнинг, бу борада мунтазам равишда амалга ошириб келинаётган чора-тадбирларнинг узвий давоми бўлди. Умуман, ҳар бир йилга ўзига хос ном берилиши, ишлаб чиқилган Давлат дастурининг моҳиятига эътибор берсангиз ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш каби вазифаларда ҳам тўлиқ ақсини топганлигини кўрасиз.

Президентимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, ўзбек халқи азиздан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш муҳим масала, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий ахлоқ-одоб, юсак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида юқоридаги вазифалар ижросига масъулият билан ёндошиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор берилмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ижросини кучайтириш катта аҳамият касб этади. Чунки унда вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан амалга оширилмаган турли ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий ҳолатларнинг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ажра тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга оширилаётган ижтимоий, ҳуқуқий, тарбиявий ва бошқа чора-тадбирлар тизими белгилан берилган. Шу боис ҳам Бектемир туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия доирасида прокуратура, ички ишлар, маданият ва спорт бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилоти,

хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази вакиллари ҳамжиҳатлигида фаол иш олиб берилмоқда. Айниқса тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, очик мулоқотлар ўтказиш, қадриятларимизни уйғунлашган зиёратгоҳлар билан таништиришга алоҳида эътибор берилмаётир. Масалан, мактабларда ўтказилаётган семинар-тренингларга танкили адиблар, машҳур спортчилар, кино, театр актёрлари ва санъаткорлар таклиф этилади. Ёшларда айниқса Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, «Бунёдкор» спорт мажмуаси ва футбол мактабига уюштирилган ташрифлар катта таассурот қолдирмоқда. Бундан ташқари

туманимиздаги «Ниҳол» ва «Бектемир» спорт мажмуаларида «Очиқ эшиклар куни»да мунтазам равишда спортнинг оммавий турлари бўйича беллашувлар таш-

кил этиб келинади. Худди шундай спорт ва маданият тадбирлар «Қўёшча нури» ботида ҳам уюштирилиб турибди. Уларга кам таъминланган, нобой оила фарзандлари ҳамда профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларнинг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзига таътил даврида вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳам диққат марказида бўлиб, тумандаги мактабларда оромгоҳлар ташкил этилди. Улар замонавий спорт жўзхалари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи видеофильм ва китоблар билан таъминланди. Шунингдек, тасдиқланган режа асосида гиёҳвандликка қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб турилади.

Шунингдек, кераки, қўндалик ҳаётимизда албатта вояга етмаганлар ўртасида айрим муаммолар учраб туради. Уларнинг олдини олиш учун энг аввало сабабларини билиш ва бартараф этиш лозим бўлади. Шу боис комиссия йўналишларида қабул қилинган қарорлар ижроси самарадорлигини таъминлаш мақсадида тумандаги тегишли ташкилотлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришга ҳам эътибор қаратилган. Зарур ҳолларда қатъий чоралар қўлашга ҳам тўғри келади. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаган 30 нафардан ортиқ ота-оналарга нисбатан тегишли чоралар белгиланган.

Ҳар бир бола жондан азиз. Баркамол фарзанд нафақат оила, шу билан бирга жамият учун ҳам азиздир.

Туманда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топиши, замонавий касб-билимларни эгаллаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш бош мақсадимиздан бири бўлиб қолаверади.

Ш.МУҲАМЕДОВ,
Бектемир туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш бора-сида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда божхона органлари фаолияти замон талабларига мос такомиллаштириб борилаётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Божхона қонунчилигини бузиш иқтисодий барқарорликка бевосита салбий таъсир қилади. Шу боис божхона соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш, уларни амалиётта самарали татбиқ этиш борасида судлар изчил фаолият юритмоқда. Пленум мажлисида муҳофиза этилган «Божхона тўғрисида»ги қонунчиликни бузиш ва қонтрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Олий суд пленуми қарори лойиҳаси ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Соҳага оид қонунларни судлар томонидан тўғри қўллаш юзасидан Олий суд пленумининг 1996 йил 27 февралда «Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган Божхона кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарорлар божхона қонунчилигини амалда тўғри қўллаш бўйича судлар учун муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Шу билан бирга, ўтган даврда Жиноят кодексининг 182-ва 246-моддалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227-моддаси ҳамда Божхона кодексига юздан ортиқ ўзгаришлар киритилди. Табиийки, бу Олий суд пленуми қарорларини ҳам такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Пленум қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан судларда қўрилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид жиноят ишлари ўрганилиб, ўмуллаштирилди. Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан тақдим этилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида қарор лойиҳаси тайёрланди.

Пленум мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низо-ларини ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳам муҳофиза этилди. Мазкур лойиҳа бу йўналишда қонунчиликка киритилган янги ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ягона суд амалиётини шакллантиришни назарда тутди.

2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун билан Фуқаролик процессуал кодекси 311-606 билан тўлдирилиб, унда фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни судлар томонидан ҳал этишининг процессуал тартиби белгиланди. Бунгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низомага асосан фарзандликка олиш масаласини ҳал қилиш ҳокимликлар ваколатига тегишли эди. Энди фарзандликка олишда бола ҳуқуқлари кафолатини самарали ҳимоя қилиш мақсадида бу масала судлар томонидан ҳал этилади.

Пленумда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда божхона хизмати ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раиси З.Дўсанов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жаҳон андозаларига мос миллий божхона хизмати шакллантирилган мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлашди. Бу жараёнда тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳани билимли, малакали ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

2013 йилнинг ўтган даврида давлат бюджетига 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан қариб 374 миллиард сўм кўп тўловлар ундирилди. Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилиши бўйича 16 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликнинг олди олиниб, 122 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 10 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида божхона хизмати органларининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг «Ойбек», «Яллама», Сурхондарё вилоятининг «Айритом», «Ғалаба» божхона постларига катта ўлчамли юкларни божхона кўригидан ўтказувчи тўртта сканер қўрилмавлари ўрнатилди.

Божхона органларида жорий этилган автоматлаштирилган ахборот дастурларида мантиқий назорат тизимининг такомиллаштирилиши ва электрон декларациялашнинг йўлга қўйилиши билан божхона расмийлаштируви жараёнида ўчрайдиган турли ҳолат-камчиликларнинг олди олиниб, тадбиркорлар учун кенг қўламлилик яратилмоқда. Обод турмуш йили муносабати билан божхона ходимларининг ижтимоий таъминоти кучайтирилиб, хизмат турар жойлари ва маиший объектларни қуриш-таъмирлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмаётир.

Божхона хизмати ходимларининг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 23 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан бир гуруҳ божхона хизмати ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН 2013 ЙИЛДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ 2012 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ 1052-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси томонидан киритилган ва Молия, Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган 2013 йил 3 июлдаги 01/14-422, №47 ва Б.Ю/03-04-06/182-1-сонли хатига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2013 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида»ги 2012 йил 30 декабрдаги 1052-сонли қарори 1 иловасидаги алоҳида шартлар қисми қуйидаги 3 банд билан тўлдирилсин:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2013 йил 12 июндаги №02/02-1-74 сонли топшириғини бажариш мақсадида «Тошкент шаҳридаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2013 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида»ги 2012 йил 30 декабрдаги 1052-сонли қарори 1 иловасидаги алоҳида шартлар қисми қуйидаги 3 банд билан тўлдирилсин:

«***Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2013 йил 12 июндаги №02/02-1-74 сонли топшириғига асосан Мудофаа вазирлиги спорт залининг Ўзбекистон Республикаси баскетбол федерациясининг ёзма мурожаатига асосан ижарага берилишида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкалари қўлланилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорати Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.С. Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р. Усманов

2013 йил 22 август

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан аҳоли бандлигини таъминлашда банклар хизматининг ўрни ва ролига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

БАНКЛАР АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Унда юртимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этишди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган истиқболли режаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, пировардида, янги иш ўринлари яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга самарали татбиқ этишда банкларнинг муносиб ўрни бор. Анжуманда тижорат банклари томонидан ўтган йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, бу йилги ажратилган микрокредитларнинг ўтган йилга нисбатан бўлган юқори ўсиш суръатлари ҳусусида сўз борди.

Юртимиз келажаги бўлиши ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни юксак билимли ва малакали кадрлар этиб тарбиялаш ҳамда коллеж битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш борасида ҳам атрафлича фикр юритилди.

Маълумки, кейинги йилларда кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, «Коллеж битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари» мавзусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, шунга мувофиқ, яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 690 та имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бўйича жами 66,4 млрд. сўм миқдориди маблағлар ажратилган бўлиб, шундан 419 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 9,2 млрд. сўмлик, 149 нафар тадбиркор аёлларнинг 7 млрд. сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилган.



Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошиб, шу йил 1 август ҳолатига кўра 4,3 трлн. сўмини ташкил этмоқда. Жумладан, микрокредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга ошган.

Матбуот анжуманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш омили бўлаётган бундай тадбирларни йил давомида изчил ўтказиб бориш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида тижорат банклари филиаллари вакиллари республиканинг ҳар бир касб-ҳунар коллежига бириктириб қўйилганлиги, банклар ва битирувчилар ўртасида доимий мулоқот муҳитининг жорий қилинганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шубҳасиз, бундай амалий тадбирлар ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва бунёдкор авлод бўлиб вояга етишга, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашда муҳим аҳамият касб этади.

Нилуфар ХАЙИТОВА,
«Туркистон-пресс»

Пойтахтимизда «Ергодездекадастр» давлат қўмитаси томонидан ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

2013 йил — Обод турмуш йили

КАДАСТР ТИЗИМИ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергодездекадастр» раисининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида картография, геодезия ва ер кадастрининг ҳуқуқий асослари яратилиб, соҳага замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани умумхалқ мулки бўлган ерни ҳимоялаш ва ундан оқилона фойдаланишни тартибга солишда ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда давлат кадастрларининг ягона тизими яратилгани ерларнинг ўрни ва ўлчамлари, ҳужалик сифат хусусиятлари ва қиммати баҳолашга хизмат қилмоқда. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Геодезия ва картография тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ергодездекадастр» қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, қонунбузилишларни бартараф этишга оид ишларни самарали амалга оширмоқда. Жорий йилнинг олти ойида 258 ҳўжалик юритувчи субъектда ердан фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилиб,

248 қонунбузилиш ҳолати аниқланди ва уларга тегишли жазо қўлланилди. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ягона автоматлаштирилган тизими яратилган, — дейди «Ергодездекадастр» давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи Аваз Алимов. — Яқинда ўтказилган мониторинг текширувларида 2 мингтадан кўпроқ ҳолатда ер қонунбузилишлари бартараф этилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилот, корхона ва фермер ҳўжалиги раҳбарларига тегишли тақдирномалар ва кўрсатмалар юришти.

Ер қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш ва қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиниб, жойларда кўргазмалар семинарлар ташкил этилмоқда. Анқуманда ердан фойдаланишнинг самардорлигини оширишда жамоатчилик назоратини қулайтириш, маҳаллалар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан журналистларга кенг маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Санъат

ЯНГИ МАВСУМГА ЯНГИ ДАСТУР БИЛАН



Маълумки, сентябрь ойида мактабларимизда ўқишлар бошланиши билан шахримиз театрларида ҳам янги мавсум бошланади. Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси жамоаси томонидан ҳам 2013-2014 йилги мавсумнинг очилиш маросими ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижросига бағишланган очилиш маросими хайрия тадбири сифатида ташкил этилиб, унга шахримиздаги барча Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган oilалар вақиллари, хизматни ўташ пайтида ҳаётдан кўз юмган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ҳодимларининг фарзандлари, жами 2500 на-

фарга яқин болажонлар ва уларнинг ота-оналари ташриф буюрган ҳолда байрам томошаларидан баҳраманд бўлишди.

Шунингдек, куни кеча Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши билан ҳамкорликда шахримиз меҳнаткашлари, уларнинг oilа аъзолари ва фарзандлари ҳам миллий руҳда тайёрланган янги байрам томошаларининг шохиди бўлишди. Шу куни йиланганларга ўзбек чавандоз-



Хусусий мулкнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида тушунча берсангиз?

Н.Ортикова,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-боб, 53-моддасида белгиланганидек: Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳимоя қилиш шаклларидаги мулк ташкил этилади. Давлатимиз истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устулчилигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинчилигини, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳ-рофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳўрлар-да ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Конституциянинг 54-моддасида мулкдор мулкига ўз хоҳиши-на эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулк-дан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаро-лар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги шарт, дея қайд этилган.

Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг етакчи соҳаси — кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётида муҳим омил бўлиб, хусусий мулкдорларнинг сафи кенгайишга олиб келади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида хусусий мулкчилик ри-вожига қаратилган алоҳида эътибор иқтисодиётнинг асо-сий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхо-налари фаолиятини қайта тиклаш, кўп тармоқли иқтисо-диётни шакллантириш имкониятини бермоқда.

Каромат МАРАҲИМОВА,

Миробод туман 2-сонли давлат нотариал идораси
нотариуси

Муомалага лаёқатсиз деганда ким тушунилади? Суд қандай ҳолатларда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин?

К.Турдиев,
Юнусов тумани

Ёш болалар, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, шунинг-дек, руҳий касаллик ёки ақли зафлриги туфайли муомалага лаёқ-атсиз деб топиладиган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб тушу-нилади. Бундай фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқла-надиган манфаатларини уларнинг қонуний вақиллари — ота-она-лари, уларни фарзандлиққа олганлар ёки ҳўмиилар ҳўмоия қила-дилар.

Фуқароларнинг ўз сайи — ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқ-лари эга бўлиши ва уларни амалга ошириши муомала лаёқати ҳисобланади. Тўла муомала лаёқати эга бўлган фуқаролар қонун-лар асосида шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш син-гари турли юридик ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Ўзбекис-тон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Фуқаролар-нинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳўқли эмас» деб белгиланган.

Воёга етмаган, яъни ўн тўртдан ўн сакказгача бўлган фуқаро-ларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган деб топиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфа-атлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандлиққа олган-лар ёки ҳўмиилар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо воёга етма-ганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топиладиган фуқаро-ларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш-ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ би-тимлрдан келиб чиқадиган ишлар бўйича воёга етмаганлар шах-сан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ишларда воёга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандлиққа олганлар ёки ҳўмииларни жалб қилиш масаласини суд ҳал этади.

Фуқаро фикр юритиш ва ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бе-риш қобилиятини йўқотган бўлса, бу унинг руҳий касаллик белги-си ҳисобланади. Ақли зафлрик эса фуқаро туғилганидан бошлаб оқилона фикр юритиш ва ўз ҳаракатлари юзасидан ҳисоб бериш қобилиятидан маҳрум бўлишдир.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишда иш бўйича тўплан-ган барча ҳужжатлар суд томонидан ўрганиб чиқилмоғи ва шу асосда асослангилриш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқа-ролик кодексининг 30-моддасида «руҳий касаллиги ёки ақлий зафлриги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна ол-майдиган фуқарони суд қонун ҳўжатларида белгиллаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога вақийлик белгиланади» деб қайд этилган.

Наргиза МИРСАҲАТОВА,

Шаҳноза ХОДЖАЕВА,
Учтепа туман ДНИ нотариуслари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент туризм ва бизнес КХК вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари вазифасига танлов эълон қилади:

№	Директор ўринбосарлари йўналиши	Манзили
1	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик-2, 4-уй
2	Маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик-2, 4-уй
3	Касб-хўна тўғрисида бўйича директор ўринбосари	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дўстлик-2, 4-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хўна таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Сўровнома (справка-объективка);

2.Таржимаи ҳол;

3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;

4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса)

ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мав-жуд бўлса);

6.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

7.Паспорт (нусхаси);

8.Тавсифнома;

9.Меҳнат дафтарчасидан нуска.

Ҳўжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар то-монидан кўрсатилади.

Ҳўжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мо-байнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сергели ту-мани, Дўстлик-2, 4-уй. Тел: 257-77-77.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хўна таълими бошқармаси тасарруфидаги Тошкент архитектура-қурилиш касб-хўна коллежи қуйидаги вазифаларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1.Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

2.Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари.

Танловда олий маълумотли, таълим тизимида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, илгари судланмаган, доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Банокатий кўчаси, 17-уй. Тел: 291-26-47.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани ҳокимияти Тадбир-корлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-сида 2011 йил 24 ноябрда 006991-04 сон билан рўйхатга олинган «OMEGA TRADE GROUP» масъулияти чекланган жа-мияти, жамият иштирокчиларининг 2013 йил 2 сентябр-даги ййгилиши қарорига асосан, жамиятнинг 200 200 000 сўм миқдоридида Устав фондини 135 135 000 (бир юз ўттиз беш миллион бир юз ўттиз беш минг) сўмга камайтирилганини маълум қилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



ISTE'MOLCHI, HUQUQINGIZ BUZILDIMI? MUROJAAT ETING!



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

Тошкент Тиббиёт академияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юр-тидан кейинги таълим ҳамда олий малакали ил-мий ва илмий-педагогик кадрларни аттестация-дан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақ-лаш» газетасининг 30 август 2013 йил №35-сони-да эълон қилинган 2014 йилда катта илмий хо-дим-изланувчилар институтига давлат бюджетли маблағлари ҳисобига биринчи босқичда таълим олу-вчилар учун ажратилган квоталар асосида қуйидаги йўналишлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1.14.00.05- Ички касалликлар

2.14.00.07 — Гигиена

3.14.00.13 — Асаб касалликлари

4.14.00.17 — Фармакология ва клиник фарма-кология

5.14.00.22 — Травматология ва ортопедия

6.14.00.27 — Хирургия

7.14.00.33 — Жамият саломатлиги, соғлиқни сақлаш менежменти

Ҳўжатлар 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент ш. Олмасор тумани, Фаро-бий кўчаси, 2-уй.

Телефон: 214-84-05.

Тошкент Тиббиёт академияси маъмурияти.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Тошкент қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари улғуржи бо-зори» очиқ акциядорлик жамияти жамият ҳудудида жой-лашган биналардаги бўш бўлган майдонларни

ИЖАРАГА ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Фаолият тури	Жойлашуви	Майдони (кв.м)
1. Умумий овқатланиш	3-4-ошхона	118,5
2. Умумий овқатланиш	15-16-ошхона	152,1
3. Умумий овқатланиш	17-18-ошхона	147,5
4. Умумий овқатланиш	19-20-ошхона	143,5
5. Умумий овқатланиш	3 корпус 2 қават	152
6. Умумий овқатланиш	Дон-дун бозори	216
7. Умумий овқатланиш	3 корпус 1 қават	97
8. Омборхона бокслари (қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари)	49,50,57,58 омборлар	36
9. Омборхона бокси (қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари)	45а омбор	15
10. Омборхона бокслари (қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари)	90 омбор	57,3
11. Савдо павильони (Цитрус мевалари савдоси)	16,17,20	12
12. Бошқа турдаги (2 қават)	3 корпус 2 қават	216
13. Бошқа турдаги (2 қават)	1 корпус 2 қават	48
14. Бошқа турдаги (2 қават)	1 корпус 2 қават	72
15. Бошқа турдаги (2 қават)	4 корпус 2 қават	37,3
16. Бошқа турдаги (2 қават)	4 корпус 2 қават	13,1
17. Бошқа турдаги	4 корпус 2 қават 4 та хона	18

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль Халқа йўли, «Тошкент қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари улғуржи бозори» ОАЖ. Маълумот учун телефонлар: 295-96-52, 523-57-58.

Сергели политехника касб-хўна колле-жи буфетини ижарага бериш мақсадида

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун манзил: Сергели тумани, Спутник мавзеси, Қанора кўчаси, 44-уй.

Тел: 258-46-35.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан тизимли равишда таъминлаш масалалари, дарс жараёнида ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш борасида белгиланган устувор йўналишлар» мавзусидаги матбуот анжумани Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Улуғбек Иноят, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омоноулло Юнусов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўлланма ишловлар оғу тафаккурини, юксак маънавият, соғлом фикрли ёшларни вояга етказишдек эзгу ишларга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, ўқув муассасаларида ўқувчилар учун етказиб берилган дарсликлар, уларнинг таъминланиш даражаси ва сифатининг жаҳон стандартларига мослиги ва бошқа масалалар хусусида йиғилганларга тўлиқ маълумот берди.

Таъкидлаш жоизки, буғунги кунда халқ таълими тизимида 15730 та таълим муассасалари мавжуд бўлиб уларда, ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида дарслар олиб борилади. 2013-2014 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-4-6-7-синф ўқувчилари учун жами 392 номда 22 миллион 533 минг 772 нусхада дарслик ва ўқув методик қўлланмалар чоп этилиб ўқув муассасаларида етказиб берилди. Барча дарсликларнинг электрон шакли Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг сайтыга joyлаштирилган.

Шунингдек, мактабларнинг 1-синф ўқувчилари учун «Kids English» қўлланмаси инглиз тили дарслик мажмуасига киритилиб, ўқитувчилар ва ота-оналар учун ўзбек тилида 446 084, рус тилида эса 59974 нусхада чоп этилди.

2012-2013 ўқув йилларида тўққизта фандан ўтказилган таълим сифати мониторингини натижалари ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги бўйича Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри энг юқори кўрсаткичга эга эканини кўрсатди. 2011-2012 йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технология-

ларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида махсус ўқув курслари ташкил қилинганди. Натижада эса АКТдан фойдаланиш самарадорлиги янада ошмоқда.

Ўқув жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш бўйича мамлакатимизнинг 28 та умумий ўрта таълим мактабларида тажриба-синов майдончалари ташкил қилинди. Жорий йилнинг 23-27 март кунлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича республика олимпиадаларининг учинчи босқичи Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Олимпиаданинг вилоят босқичида умумтаълим мактабларининг 6979 нафар ўқувчилари иштирок этиб, улардан 878 нафари галиб деб топилди.

Вазирлик томонидан ўқитувчиларнинг ўз устидарида мустақил ишлашлари, машғулотларга пухта тайёргарлик кўриб, дарсларни сифатли ўтишга ундайдиган «Дарс — муқаддас», «Ўрган — ўргат», «Мураккаб фан — ўрганаман», «Соғлом муҳит — соғлом жамоа» ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Хозирги кунда умумтаълим мактаблари учун давлат стандартлари талабларига мувофиқ юқори самарали мультимедиа воситалари ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг компьютер электрон турларини яратиш йўлга қўйилди. Айни пайтда 300 дан ортиқ электрон ахборот-таълим ресурслари яратилиб, вазирлик сайтыга joyлаштирилди. Вазирлик ҳузурида «Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази» ташкил этилган бўлиб, унинг базасида замонавий сервер майдончаси жорий қилиниб, ахборотларни жойларга етказиш амалга оширилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

«ТОШКЕНТ ОПЕН — 2013» ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

— Ўзбекистонда барча спорт турлари каби теннис ҳам жадал ривожланмоқда, — дейди турнир директори С.Утрапати. — Юртингизда нуфузли халқаро турнирларни юқори даражада ўтказиш борасида бой тажриба тўпланган. «Тошкент опен» турнири ҳам йилдан йилга кучайиб бормоқда. Бу йилги мусобақада қатнашиш учун Тошкентга келган теннисчилар орасида ўз олдида юқори мақсадларни қўйган спортчилар кўп. Мен барча турнир иштирокчиларига омад тилаб қоламан.

«Тошкент опен — 2013» мусобақаси қатнашчилари орасида Бояна Яновски, Ирина-Камелия Бегу, Дорна Векич, Александра Панова каби жаҳон рейтингда кучли юзталикка кирувчи теннис усталарининг борлиги турнир савияси юксалаётганидан далolat беради.

Турнирнинг дастлабки куни руминиялик Ирина-Камелия Бегу билан кортга тушган россиялик Александра Панова ўртасида кечган ўйин ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Биринчи сетни кўтаринки кайфиятда бошлаган Александра ўзининг аниқ зарбалари орқали Иринага жиддий қаршилиқ кўрсатди. Лекин «Тошкент опен — 2013» мусобақасининг солибаси бўлган руминиялик теннисчи ўз маҳоратини кўрсатиб сетни — 7:6 ҳисобида ғалаба билан якунлади. Иккинчи сетда ҳам Александра ўз ўйинини кўрсата олмади ва якунда Ирина-Камелия Бегу 6:1 ҳисобида рақибини енгиб, турнирдаги ўзининг ilk ғалабасини нишонлади.

Мусобақанинг биринчи турида куйидаги натижалар қайд этилди: Явонна Мусбергер (Австралия) —

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида мукофот жамғармаси 235 000 АҚШ доллари бўлган «Тошкент опен — 2013» халқаро теннис турнири бошланди. Хотин-қизлар иштирокида ҳар йили мунтазам ўтказилаётган мазкур турнир ўн бешинчи маротаба ташкил этилмоқда.

Тимеа Бабос (Венгрия) — 6:2 2:6 1:6, Манди Минелла (Люксембург) — Ольга Пучкова (Россия) — 6:2 6:3, Алехандра Каданту (Руминия) — Сабина Шарипова (Ўзбекистон) — 6:2 6:0, Ева Бирнерова (Чехия) — Надия Киченко (Украина) — 5:7 2:6, Катерина Козлова (Украина) — Риса Озаки (Япония) — 5:7 2:6, Бояна Яновски (Сербия) ва Куруми Нара (Япония) — 6:4 6:3, Настасья Бурнет (Италия) — Лесия Тсуренко (Украина) — 7:6 6:4.

Жуфтлик баҳсларидаги ўйинлар Арина Фолтс (Ўзбекистон) ва Гузал Юсупова (Ўзбекистон) ва Вероника Кошпай (Украина) — Теодора Мирнич (Сербия) ўртасидаги баҳс — 0:6 2:6 ҳисобида якунланди.

Жавоҳир ТОШЎЖАЕВ

Спорт янгиликлари ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Маълумки, 19 ёшли чарм тўп усталари ўртасида футбол бўйича уюштирилаётган Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айни кунларда Тошкентда тайёргарлик кўрмоқда.

Шуниси эътиборлики, ўқув-йигин машғулотлари доирасида ёшлар терма жамоамиз «Жар» стадионида Япония ёшлар терма жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида баҳс юриштиди.

Айтиш жоизки, учрашувнинг биринчи бўлими ҳамюртларимизнинг устунлиги остида ўтди. Бу ўз самарасини берди. Дастлабки 45 дақиқада меҳмонлар дарвозаси икки марта ишғол этилди. Истеъдодли ёш ҳужумчи Игорь Рогованов ҳар иккала голга муаллифлик қилди.

Аммо иккинчи бўлим бутунлай бошқача рўҳда кечди. Энди майдоннинг ҳар бир қарич ерида японлар тўп учун астойдил кураш олиб бориб, ташаббусли ўз томонларига оғдир олишди. Натижада меҳмонлар дарвозаси японлар томонидан икки бор аниқ нишонга олинди ва орадаги мувозанат тикланди. Учрашув 2:2 ҳисобида якунландигандек эди. Аммо ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча вақтнинг сўнгги дақиқасида меҳмонлар ҳужуми яна гол билан якунланди. Шу тариқа 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраган Алексей Евстафеев шоғирдлари йўл қўйилган ҳатолар, камчиликлар устида изланишларига тўғри келди.

Дарвоқе, Япония терма жамоаси билан Евстафеев шоғирдлари яна бир марта «Жар» стадионида назорат-ўртоқлик баҳсида ўзаро беллашади.

Футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлар ўртасида 2014 йилда уюштирилаётган Осиё чемпионатида саралаш баҳсларида тайёргарлик кўриш мақсадида Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Туркияга жўнаб кетган эди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЙИГИНЛАРДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ

Туркияда икки ҳафта мобайнида ўқув-йигин машғулотида иштирок этган ёшларимиз кунча Тошкентга қайтиб келишди.

Шуниси қувонарлики, Туркиядаги машғулотлар доирасида ўсмирлар терма жамоамиз маҳаллий клублар билан учта назорат-ўртоқлик учрашувида омадларини синов кўришди ва ҳар бир баҳсни ғалаба билан якунлашди.

Дастлаб «Истанбул-спор» клуби ўсмирларига қарши майдонга тушган ҳамюртларимиз мезбонлар устидан йирик 7:1 ҳисобида зафар қучишди.

Иккинчи ўртоқлик баҳсида «Зараспор» клуби ёш футболчилари билан куч синашган Т.Олимхўжаев шоғирдларига мезбонларни енгиш қийинчилиги туғдирмади. Ўйин давомида тўлиқ устунлик қилган ўсмирларимиз мез-

бонлар дарвозасига 7 марта гол киритиб ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қола билишди.

«Бешикташ» клуби ўсмирларига қарши кечган учинчи беллашув мурасимиз ва шиддатли курашлар остида ўтди. Аммо ўйинга пухта тайёргарлик кўрган ҳамюртларимиз беллашувни 3:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишди.

Эслатиб ўтаимиз, жорий йилнинг 25-29 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Жар» стадионида 16 ёшли ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида «В» гуруҳи саралаш баҳслари бўлиб ўтади. Унда Темур Олимхўжаев шоғирдлари галиблик учун кураш олиб боришади. 2014 йилда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида Таиланд мезбонлиги қилади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Шайхонтохур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 26 сентябрь)
Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежи ошхонасини 2013-2014 ўқув йилида фаолият олиб бориш учун тендер эълон қилинади.

Манзил: ТТЗ-1, 47-уй.
Тел: 264-68-00, 264-68-01.

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги «MAGNUS ART» масъулияти чекланган жамиятининг Устав фонди 22 000 000 сўмдан 12 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб (90) 977-45-74 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 19-мавзе, 17-уй, 18-хонадонда яшовчи Афандиев Аваз-хан Хамидовичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 11 сентябрь кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — қилинмоқда, таъмиқдори 35-37 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 11 сентябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди. Атмосферанинг инфоизм пайдо бўлиши тахмин кечаси — 18-20, кундузи — қилинмоқда, таъмиқдори 35-37 даража иссиқ бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик вазифасига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик вазифасига		
1	Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейи	Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 242-уй Индекс — 100128
2	Ҳамза компьютер технологиялари касб-хунар коллежи	Ҳамза тумани, Оқ дарё кўчаси, 122-уй
3	Чилонзор тиббиёт коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 16-уй Индекс — 100115

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сўровнома (справка-объективка);
2. Таржимаи ҳол;
3. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5. Илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
6. 3x4 ўлчамли 6 донга фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Тавсифнома;
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, chorshanba, лайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8841 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буича турар жойлардаги почта бупимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Бошига топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ